

## **ТИШЛАРНИНГ ЗИЧ ЖОЙЛАШУВИДА МИЛК РЕЦЕССИЯСИНИ УЧРАШ ДАРАЖАСИ.**

**Сулейманова Д.А. Исматуллаев Ж.А.**

Тошкент давлат стоматология институти.

**Мавзуниг долзарблиги.** Ўзбекистонда сўнгги 25 йилда тиш-жағ аномалияларининг тарқанганлиги 34,6% га ортганлиги, мактабгача бўлган ёшдаги болаларда аномалиялар  $42,1 \pm 1,1\%$  га туғри келди, мактаб ўкувчиларида –  $78,1 \pm 0,8\%$  (Махсудов С.Н., Иргашев И.К. 2021)

Тиш -жаг тизими аномалияси ва деформацияси Тошкент шаҳрида 42,2 % га ўсиб бормоқда (Нигматова И.М. , Нигматов Р.Н. , Шомухамедова Ф.А. 2019).

Тишларнинг зич жойлашувини учраши 27,8% дан 33,7% ни ташкил қилиб, хамма аномалиялари ичида (Муртазаев С.С. 2006)

Замонавий адабиётларда милк рецессияси тишларни зич жойлашиши билан боғлиқлиги айтиб ўтилган, бу патологияни кўп тарқалганлигига қарамасдан , у етарлича ўрганилмаган, учраш даражаси хакидаги маълумотлар аниқ эмас .

**Тадқиқот мақсади.** Болалар ва ўсмир ёшдаги болаларда тишларнинг зич жойлашгандаги милк рецессиясини учраш даражасини ўрганиш.

**Материал ва усуслар .** Замонавий адабиётларни анализ қилиш , текшириш, анкеталаштириш. Ортодонтик даволанаётган беморлар икки гурухга бўлиниб (болалар 7-8 ёш, ўсмирлар 14-18 ёш) 19 та бемор. Гурухлар анализ қилиниб, рецессия даражаси, гигиена даражаси. Энгль бўйича тиш- жаг тизими аномалияси синфи аниқланди ва Калвелис Д.А. хамда Хорошилкина Ф.Я бўйича ташхисланди. Маълумотлар анализи ва статистик маълумотлар кўриб чиқилди.

**Натижа ва мухокама.** Текширилган 7-8 ёш болалар (19 та болалар) нинг хаммасида тишлар аномалияси ва фронтал тишларнинг тиш қаторида зич жойлашуви аниқланди . 12 болалардан (7-8 ёш)  $62 \pm 5,2\%$  ва 7 та ўсмир ёшли болаларда (14-18 ёш)  $36,3 \pm 7,6\%$  пастки фронтал тишлар соҳасида милк рецессияси аниқланниб, биз гингивит, гиперемия, шиш ва милк гипертрофиясини уларнинг қонаши билан бирга кузатдик.

**Хуносা.** Тишларнинг зич жойлашувида милк рецессиясини учраш даражаси 7-8 ёш болаларда  $62 \pm 5,2\%$ , 14-18 ёшли ўсмир болаларда  $36,3 \pm 7,6\%$  учраши аниқланди.

Бу патологияни юқори даражада тарқалмаслиги учун , уларни эрта аниқлаш, ташхислаш, комплекс даволаш ва ушбу гурухдаги беморларни муваффақиятли реабилитация қилиш зарур. Республикализнинг барча худудларида ахолига стоматологик, шу жумладан ортодонтик ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш мақсадга мувофиқ бўларди.